

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Гайбуллаев Рахим Муродович

*ТДИУ СФ “Бухгалтерия ҳисоби, солиқ ва молия” кафедраси
мудир, и.ф.д.*

Тоштемиров Достон

ТДИУ СФ магистранти

Аннотация: *Мақолада бухгалтерия ҳисобини ташкил этишининг асосий тамойиллари ва умумий талаблари, шунингдек, хизмат кўрсатиш корхоналарида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва ички назорат қилиш хусусиятлари кўриб чиқилади. Бухгалтерия ҳисоби бўйича ишларни ташкил этишининг асосий босқичлари корхоналар томонидан қўлланиладиган солиққа тортиш тизимлари, соддалаштирилган солиққа тортиш тизимини қўллаш хусусиятлари ва у билан боғлиқ бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган усулини, шунингдек ҳуқуқий меъёрлар билан белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда корхоналарга берилган имкониятлар доирасида кўриб чиқилади.*

Калит сўзлар: *бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, ички назорат, солиқ тизими, корхона, ишни ташкил этиш босқичлари, бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси.*

Ўзбекистон иқтисодиётида ҳамма тармоқ ва соҳаларни тараққий этиб бориши билан бир каторда хизматлар кўрсатиш корхоналарида хизматлар кўрсатиш ҳажмини ошириш борасида ҳам кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Мамлакатда хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш, бухгалтерия ҳисобини яхшилаш мақсадида бир катор ўзгаришлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, стандарт ва янги талаблар ишлаб чиқилди, бошқарув тузилмалари такомиллаштирилди. Ўз навбатида мамлакатимизда хизматлар кўрсатиш соҳасининг янада ривожланиши ҳамда тармоқда янги иш ўринлари яратиш асосида аҳолининг бандлик даражасини ошириш, бу соҳа фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар сонининг кўпайиши ҳамда уларда бухгалтерия ҳисоб ва ҳисоботини халқаро стандартлар талаби асосида ташкил этиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши эса хизмат кўрсатиш корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш, халқаро стандартлар асосида бухгалтерия ҳисобини юритишни, молиявий ҳисоб ва ҳисоботини ишлаб чиқишнинг илмий-услубий

асосларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Маълумки, бугунги кунда бухгалтерия ҳисоби хўжалик юритиш субъектларида бошқариш жараёни самарадорлигига таъсир этувчи етакчи омилардан бири ҳисобланади.

Бу борада қатор тадқиқотчи-олимлар ўз изланишларида келтириб ўтганларидек, “Бухгалтерия ҳисоби барча хўжалик операцияларни яхлит, узлуксиз, хужжатлар асосида ҳисобга олиш йўли билан бухгалтерия ахборотларини йиғиш, қайд этиш ва умумлаштиришнинг тартибга солинган тизимидан, шунингдек унинг асосида молиявий ва бошқа ҳисоботларни тузишдан иборат”[1].

Бухгалтерия ҳисоби кишилиқ жамияти ривожланиши, унинг фаолият юритиш тартиби билан бевосита боғлиқдир. Америкалик соҳа олимлари профессорлар Б. Нидлз, Х. Андерсон ва амалиётчи-бухгалтер Д. Колдуэлларнинг фикрича: “Бухгалтерия ҳисоби хўжалиқ фаолияти билан бошқарув қарорларини қабул қилувчи кишилар ўртасида алоқа боғловчи восита бўлиб ҳисобланади”[2]. Бухгалтерия ҳисобининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи жамият тарраққиёти, ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар билан узвий боғлиқ бўлган. Ғарб олимлари М.Р. Мэтьюс ва Х.Б. Перералар ўз дарсликларида ижтимоий тарраққиёт ва бухгалтерия ҳисоби ўртасидаги алоқани қуйидагича асослаганлар: “... ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар бухгалтерия ҳисоби асосий омилига айланган бўлса, ўз навбатида, ижтимоий ўзгаришлар ҳам бухгалтерия ҳисоби ривожланиши билан узвий боғлиқдир”[3].

Ўзбекистонлик соҳа олими, профессор М. Остонақуловнинг дарслигида ҳам жамият ҳаёти ва бухгалтерия ҳисоби ўртасидаги алоқалар ўз аксини топган: “Жамият ҳаётини асоси моддий неъматлар ишлаб чиқариш бўлгани учун ҳам кишиларнинг ижтимоий ҳаётида содир бўлаётган ходисаларни кузатиш, жамиятда бор бўлган меҳнат қуроллари ва меҳнат буюмларини, шунингдек, меҳнат жараёнларини ҳисобга олиш мақсадида ҳисобдан фойдаланилган”[4]. Россиялик таниқли олим, профессор В.Ф.Палий бухгалтерия ҳисобининг предметини қуйидагича таърифлайди: “... бухгалтерия ҳисобининг предмети корхона фаолиятига маблағ сифатида киритилган капитал, унинг кўпайиши ёки камайиши билан боғлиқ жараёнлардан иборат”[5]. Гарвард университетининг (АҚШ) профессорлари Р.Энтони ва Дж. Рисларнинг дарслигида бухгалтерия ҳисобининг мазмуни қуйидагича ифодаланган: бухгалтерия ҳисоби – “...бу ахборотлардан фойдаланувчилар томонидан асосли баҳолаш ва қарорлар қабул қилиш мақсадида иқтисодий ахборотларни аниқлаш, ўлчаш ва узатиш жараёнидир”[6].

Ёки бошқа тадқиқотчи таъкидлаганидек, “Ҳар қандай корхона

фаолиятининг ажралмас қисми бўлган бухгалтерия ҳисоби ташкилот фаолиятини башорат қилиш ва юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олиш имконини беради” [7].

Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисоби тизими нафақат субъектнинг иқтисодий аҳволи тўғрисида ишончли маълумот беради, балки молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишни назорат қилиш имконини берадиган ҳисобот давридаги маблағларнинг ҳаракатини ҳам акс эттиради. Маълумотларни тизимлаштириш ва амалга оширилган барча хўжалик операциялари тўғрисида маълумот бериш орқали бухгалтерия ҳисоби уларнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш ва ташкилот фаолиятининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тасдиқланган нормалар ва стандартларга мувофиқлигини назорат қилиш имконини беради.

Бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш корхона учун жуда муҳимдир, чунки бухгалтерия ҳисоби тўғри юритилмаса, бу эртамикечми солиқларни тўлаш билан боғлиқ муаммоларга олиб келади, бу эса солиқ органлари томонидан корхонага жарима солишга олиб келади. Бундан ташқари, ташкилотда ички назоратнинг заиф тизими моддий бойликларнинг талон-тарож қилиниши (ўғирланиши) ва бунинг натижасида йўқотишларга олиб келиши мумкин.

Бу ўринда бухгалтерия ҳисобининг асосий босқичларига риоя қилиш жуда муҳимдир:

1. Бирламчи кузатув. Ушбу босқичда корxonанинг алақачон амалга оширилган хўжалик фаолияти ва уларнинг алоҳида хўжалик операцияларига бўлинишнинг таҳлил қилинади, уларни тугатиш вақти, харажатларни ўлчаш ва мазмуни аниқланади.

2. Операцияларни хужжатлаштириш. Ушбу босқич тугалланган хўжалик операцияларини акс эттирувчи бирламчи хужжатларни шакллантириш ва рўйхатдан ўтказишни назарда тутади: квитанциялар, счё-т-фактуралар, ҳисоблар ва бошқалар.

3. Хўжалик юритиш фаолият фактларининг жорий гуруҳланиши. Ушбу босқичда барча яратилган маълумотлар тегишли маълумотлар базалари ва китобларда акс эттирилади. Операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби ҳисоб регистрларига танланган бухгалтерия ҳисоби шаклига мувофиқ киритиладиган икки ёклама ёзув усули ёрдамида амалга оширилади.

4. Хўжалик фаолият фактларини якуний умумлаштириш. Бунинг учун жорий бухгалтерия маълумотлари асосида мазкур босқичда хўжалик фаолияти фактларини якуний умумлаштириш амалга оширилади, молиявий ҳисоботлар тузилади ва улар корxonанинг маълум бир даврдаги фаолиятини акс эттирувчи кўрсаткичлар

тизимини бир йил, ярим йил, чораклик бўлинишида умумлаштиради. Бундай ҳисоботларга мисоллар: баланс, даромадлар тўғрисидаги ҳисобот, ўз капиталидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот ва бошқалардир.

5. Молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш. Ушбу босқичда корхонанинг иқтисодий фаолиятини таҳлил қилиш тақдим этилган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот маълумотлари асосида амалга оширилади. Ушбу якуний босқич жуда муҳим, чунки айнан шу босқичда корхона юзага келиши мумкин бўлган хатарларни аниқлаши, давом этаётган операцияларнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаши, келажак давр учун прогнозни тузиши ва ҳакозолар кўзда тутилади.

Юқоридаги барча босқичлар бухгалтерия ҳисобини ташкил қилади ва уларга риоя қилиш корхона фаолиятини ташкил этиш учун жуда муҳимдир.

Шундай қилиб, корхонанинг молиявий муаффақияти ва ходимлар билан боғлиқ молиявий тўқислик тўғридан-тўғри бухгалтерия ҳисоби билан боғлиқ бўлиб, бу асосан унинг мамлакатимизда қонун билан белгиланган асосий талабларга мувофиқлиги билан белгиланади. 2016 йил 13 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида (янги таҳрири)” Қонунига кўра:

1. Мол-мулк, мажбуриятлар ва хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси – сўмда амалга оширилади.

2. Корхонага тегишли бўлган мол-мулк ташкилот таассуруфидаги бошқа бошқа юридик шахсларнинг мол-мулкидан алоҳида ҳисобга олинади.

3. Бухгалтерия ҳисоби ташкилот томонидан юридик шахс сифатида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилгунга қадар ёки тугатилгунга қадар доимий равишда юритилади.

4. Корхона мол-мулк, мажбуриятлар ва хўжалик - операцияларининг бухгалтерия ҳисобини ўзаро боғлиқ бўлган ҳисобларнинг ишчи режасига киритилган бухгалтерия ҳисоблари счетларига икки ёқлама ёзув орқали олиб боради.

Бу аналитик ҳисоб маълумотлари синтетик бухгалтерия ҳисобларининг айланмаси ва қолдиқларига мос келиши керак.

5. Барча хўжалик операциялари ва инвентаризация натижалари ҳеч қандай камчилик ва истисноларсиз бухгалтерия ҳисобларида ўз вақтида рўйхатга олиниши керак.

6. Ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисобида жорий ишлаб чиқариш харажатлари ва капитал қўйилмалар алоҳида ҳисобга олинади.

Шундай қилиб, юқоридаги барча талаблар ҳар қандай корхона фаолиятини ташкил этиш учун зарур бўлган "пойдевор" бўлиб, уларга риоя қилмасдан, бухгалтерия ҳисобини юритиш имконсиз бўлиб қолади.

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, республикамизда фаолият юритаётган барча хизмат кўрсатиш корхоналарида турли даражадаги ҳисоб юритиш сиёсати ишлаб чиқилган. Аммо уларни мукамал деб бўлмайти ҳамда улар тўлиқ равишда бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари (БҲХС) талабларига мувофиқлаштирилмаган. Бугунги кунда ҳисоб сиёсатини шакллантириш борасида ягона бўлиб турган ҳужжат «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли 1-сонли бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС) ҳисобланади. Халқаро миқёсда «Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгариш ва хатолар» номли 8-сонли бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти (БҲХС) ҳисобланади[8]. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, халқаро стандартда нафақат ҳисоб сиёсатини шакллантириш, балки ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгариш ва хатолар ҳақида маълумотларни акс эттириш бўйича ҳам умумий тавсифлар берилган, аммо бу миллий корхоналар амалиётида инобатга олинмаган. Шунингдек, корхоналар фаолиятида ҳисоб юритиш сиёсати уларни сифат ва мазмуни бўйича қўйилган талаблар етарли даражада эмаслиги ва иқтисодиётимизни модернизация қилиш шароитида ҳисобдаги ўзгаришларга мос равишда тузилмаётганлиги кузатилмоқда. Шундай қилиб, ҳисоб сиёсати хизмат кўрсатиш корхоналаридаги молиявий ҳисобни тўғри ташкил этиш, кўрсатилаётган хизматлар таннархини ўз вақтида аниқлаш ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилишда, пул маблағлари тушуми, хизмат сафари харажатлари ва бошқа юридик жиҳатдан вужудга келган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ўз вақтида ҳисоби юритилишида зарурий дастаклардан бирига айланади.

Корхоналарда ҳисоб сиёсати қуйидаги уч қисмга ажратилган ҳолда шакллантирилиши мақсадга мувофиқ деб топилган:

- молиявий ҳисобнинг ҳисоб объектлари тан олиш, ўлчаш ва ҳисоб рақамларида акс эттиришнинг танлаб олинган усулларини ифодаловчи ҳолатларни кўрсатишни, услубий жиҳатларини баланс ва ҳисоботнинг бошқа шакллари ҳар бир элементи бўйича ифодалаш;

- молиявий ҳисобни юритиш техникаси, бунда молиявий ҳисобни юритиш учун зарур бўлган ишчи счётлар режасини, ҳисоб регистрларини счётларга бириктирилишини, ҳужжатлар шаклларида альбомини, инвентаризацияни ўтказиш муддатлари ва тартибини, замонавий компьютерлар ва бошқа ташкилий техника

воситалари, уларни кўллаш учун зарур бўлган классификатор ва кодлаштиришларни киритиш;

- молиявий ҳисобни ташкил қилиш бухгалтерия ишини танлаб олинган ташкилий шаклини, молиявий ҳисоби хизмати ходимлари меҳнатини ташкил қилиш усулини, функционал мажбуриятларни бухгалтерлар ўртасида тақсимлашнинг танланган вариантини, ҳужжатлар айланишининг ташкил қилинишини, бухгалтерия ҳисоби хизмати раҳбарининг тайинланиши, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини кўрсатиш.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг кўриб чиқилган хусусиятлари корхона раҳбарларига юзага келаётган муаммоларни ҳал этишда, бўлажак мутахассисларга эса ўз фаолият доирасини аниқлашда ёрдам беради.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Қонуни: «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида (янги таҳрири)». 2016 йил 13 апрель.

2. Нидлз Б. и др. Принципы бухгалтерского учета / Б. Нидлз, Х. Андерсон, Д.Колдуэлл: Пер. с англ./ Под ред. Я.В. Соколова. -М: Финансы и статистика,2003, с.13.

3. Мэтьюс М.Р.Перера, М.Х.Б. Теория бухгалтерского учета. Учебник./ Пер. с англ./ Под ред. Я.В. Соколова. И. А. Смирновой.- М: Аудит, ЮНИТИ, 1999, с.65

4. Остонакулов М. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Дарслик. Иккинчи нашр.-Т: «Iqtisod-moliya », 2007, 5-б.

5. Палий В.Ф. Теория бухгалтерского учета: современные проблемы.- М: Изд-во «Бухгалтерский учет», 2007, с.11.

6. Энтони Р. , Рис Дж. Учет: ситуации и примеры: Пер. с англ./ Под ред. и с предслов. А.М.Петрачкова –М: Финансы и статистика, 1996,с. 16.

7. Тхагапсо М.Б., Узленко Е.А. Система сбалансированных показателей как инструмент оценки эффективности деятельности организации и решения стратегических задач // Экономика и бизнес: теория и практика. - 2019. - № 9. - С. 194-197.

8. БҲХС 8 «Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар». 2012 йил 1 январ.

9. Gaybullaev Rakhim Murodovich. (2022). CHARACTERISTICS OF ACCOUNTING IN THE ECONOMIC ACTIVITY OF SMALL ENTERPRISES I, PROBLEMS AND IMPROVEMENT. World Economics & Finance Bulletin (WEFB), 17, 139-142.

11. Gaybullaev Rakhim Murodovich. (2022). Prospects for Use of Digital Information Technologies in Accounting. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3, 244-253.
12. Гайбуллаев, Р. М. (2003). Экономическая активность предпринимателей в Республике Узбекистан. *Финансовый бизнес*, (6), 46-49.
13. Murodovich, G. R. (2022). SMALL BUSINESS DEVELOPMENT PROCESSES IN UZBEKISTAN. *SO 'NGI ILMIY TADQIQOTLAR NAZARIYASI*, 1(2), 144-147.
14. Murodovich, G. R. (2022). Research of the Problems of the Functioning of Institutional Service Structures and Provision of Regulatory and Legal Criteria in this Sphere. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 6, 208-211.
15. Murodovich, G. R. (2022). Considerations for Creating a Business Environment Based on Entrepreneurial Risk. *Spanish Journal of Innovation and Integrity*, 6, 318-320.
16. Murodovich, G. R., & Maxmudovich, S. I. (2022). Support of Small Business and Private Entrepreneurship in Uzbekistan through Loans of Commercial Banks. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3(6), 197-201.
17. Murodovich, G. R., & Komolboevich, I. A. (2022). Increasing the Possibility of Management of Loan Portfolio Analysis in Commercial Banks. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 17, 30-35.
18. Murodovich, G. R. (2022). Invitation of Population Funds in Uzbekistan Some Aspects of Private Investment Development. *Journal of Marketing and Emerging Economics*, 2(5), 15-19.
19. Murodovich, G. R., & Jahongir, N. (2022). Improving the Loaning Process in Commercial Banks. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF ARTS AND DESIGN*, 3(5), 10-15.
20. Murodovich, G. R., & Komolboevich, I. A. (2022). Indonesia Problems of Population Banking of Commercial Banks. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 15, 190-196.
21. Murodovich, G. R., & Saidmurot, M. (2022). FINANCIAL SUPPORT OF THE POPULATION IN COMMERCIAL BANKS THROUGH MORTGAGE CREDITS. *World Economics and Finance Bulletin*, 9, 173-177.
22. Murodovich, G. R. (2022). Participation of Small Business and Private Entrepreneurship in the Foreign Economic Activity of the Republic of Uzbekistan Creating and Developing the Environment. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 4, 417-420.

23. Murodovich, G. R., & Jahongir, N. (2022). Improving Bank Loan Portfolio Quality Management. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 15, 54-60.

24. Murodovich, G. R., & Maxmudovich, S. I. (2022). Creating Conditions for Financing Small Business Entities through Bank Loans. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 15, 45-48.

25. ГАЙБУЛЛАЕВ Р.М. (2021). ЗАКОНОМЕРНОСТИ СТАНОВЛЕНИЯ И СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ. ГЛОБАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ МОДЕРНИЗАЦИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ

Материалы X Международной научно-практической конференции. Отв. редактор А.А. Бурмистрова [и др.]. Тамбов, 2021. Издательство: Издательский дом "Державинский"